Косимова Зарина Алижон қизи,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузуридаги Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази бош мутахассиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

УЎК: 37.01

КОСИМОВА З.А. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Ушбу мақолада PIRLS, TIMSS, PISA ва TALIS каби халқаро баҳолаш тадқиқотларида юқори натижаларни кўрсатган мамлакатларнинг таълим сифатини баҳолаш тизими ўрганилган. Тадқиқот объекти сифатида Сингапур, Финляндия, Хитой Халқ Республикаси ва Гонконг келтирилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: IRLS, TIMSS, PISA ва TALIS каби халқаро баҳолаш тадқиқотлари, ўқиш саводхонлиги, математик саводхонлик, табиий-илмий саводхонлик, таълим сифати, таълим сифатини бошқариш.

КОСИМОВА З.А. ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В УПРАВЛЕНИИ СИСТЕМОЙ ОЦЕНКИ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ

В данной статье рассматривается система оценки качества образования стран, показавших высокие результаты в международных оценочных исследованиях, таких как PIRLS, TIMSS, PISA и TALIS. В качестве объектов исследования указаны Сингапур, Финляндия, Китайская Народная Республика и Гонконг.

Ключевые слова и понятия: международные оценочные исследования, такие как IRLS, TIMSS, PISA и TALIS, читательская грамотность, математическая грамотность, научная грамотность, качество образования, управление качеством образования.

KOSIMOVA Z.A. EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE MANAGEMENT OF EDUCATION QUALITY ASSESSMENT SYSTEM

This article examines the education quality assessment system of countries that have shown high results in international assessment studies such as PIRLS, TIMSS, PISA and TALIS. Singapore, Finland, the People's Republic of China and Hong Kong are listed as research objects.

Key words and concepts: international assessment research such as IRLS, TIMSS, PISA and TALIS, reading literacy, mathematical literacy, science literacy, education quality, education quality management.

Кириш.

БМТ нинг Таълим даражаси индексида 2020 йил маълумотларига кўра Ўзбекистон 189 мамлакат орасида 71 ўринни эгаллади[1]. Бу албатта, мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг, узлуксиз таълимнинг йўлга қўйилганлиги ва аҳолининг 99,9 фоизининг мактаб таълимига жалб этилганлигининг натижасидир. Аммо замонавий ривожланган мамлакатларда болаларнинг мактабга жалб этилишининг ва саводхонлигининг ўзи етарли эмас. Уларда таълимнинг сифати бошланғич 4-синф ўқувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниш даражаси, ўқувчиларнинг математика ва табиий йўналишдаги фанлардан ўзлаштириш даражаси, ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражаси, раҳбар ва педагог кадрларнинг умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиш ва таълим олиш муҳитини ҳамда ўқитувчиларнинг иш шароитлари билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, PIRLS, TIMSS, PISA ва TALIS каби халқаро баҳолаш тадқиқотлари ушбу давлатларда таълим сифатини аниқлаб беради.

PISA-2018 баҳолаш рейтингининг "Ўқиш саводхонлиги", "Математик саводхонлик" ва "Табиий-илмий саводхонлик" кўрсаткичлари бўйича Хитой Халқ Республикаси биринчи ўринни эгаллаган. Кейинги ўринларда Сингапур, Макао ва Гонконгнинг кўрсаткичлари қайд этилган (1-жадвал).

TIMSS-2015 баҳолаш кўрсаткичларида 4 ва 8 синфларнинг математика ва табиий фанлардан натижалари бўйича Сингапур энг яхши кўрсаткични қайд этган. Жанубий Корея, Япония, Гонконг ва Тайваньда ҳам бошқа мамлакатларга нисбатан юқори кўрсаткичлар қайд этилган. TIMSSнинг 2003, 2007, 2011 йил кўрсаткичларида худди шу мамлакатлар юқори позицияларни кўрсатган. Бундай юқори кўрсаткичларнинг йиллар давомида сақланиб қолиши таълим сифатини бошқариш тизими самарадорлигига ҳам боғлиқ. Бу иқрор ҳар бир мамлакат мисолида ўрганилса, яна ҳам ишончли бўлади (2-жадвал).

[1] http://hdr.undp.org/

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Технологиянинг таълим қиёфасини қандай ўзгартириши барчамизга маълум. Нафақат таълим олиш услуби ўзгарди, балки ўқувчиларни ўқитиш усуллари ҳам ривожланди. Илгари таълим кўпроқ монолог тарзида амалга оширилган бўлса, аммо ҳозирги вақтда ўқитувчилар ўқувчиларни синфларда икки томонлама маълумот оқимини сақлашга ундайдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти глобал миқёсда кўплаб муаммоларни келтирди, улар ҳал этилмаса, таълим тизимида жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай муаммолардан бири ўз соҳасини пухта эгаллаган раҳбарлар ва тажрибали мутахассисларга эҳтиёж ортиб бораётганлигидир. Ўқувчилар ўртасида етакчилик ва таъсир қилиш қобилиятини рағбатлантириш учун ўқитиш амалиётининг такомиллаштирилган усулини қўллаш зарур бўлади. Технологиялар асрида ахборотни дунёнинг исталган нуқтасидан олиш мумкин. Сифатли таълимни таъминлаш ўқувчининг шахсиятини шакллантириш учун катта саъй-ҳаракатларни талаб қилса-да, лекин янги технологиялар пайдо бўлиши билан уларда муассасадан онлайн дарслар олишлари, ва бепул онлайн кутубхоналардан фойдаланишлари мумкин[2]. Ўз-ўзидан келиб чиқадики, ижодкорликнинг ривожланиши ва маълумотларни олиш даражасининг ошиши таълим сифатининг ортишига олиб келади. Ривожланган мамлакатларда таълим сифатини оширишга турли ёндашувларнинг пайдо бўлиши натижасида таълим сифатини баҳолаш ва бу орқали сифатли таълим тизими бўйича рақобатбардошликни таъминлаш тизими шаклланади.

Таълим сифатини баҳолаш - мезонлар, кўрсаткичлар ва бошқалардан фойдаланган ҳолда турли ёндашувлар, тартиблар асосида амалга ошириладиган мураккаб, кўп қиррали жараён. Таълим сифати таълим тизимининг ўзига хос хусусияти сифатида аниқланиши мумкин, у амалда эришилган таълим натижалари ва таълим жараёнини тартибга солиш талабларига, ижтимоий ва шахсий талабларнинг шартларига мувофиқлик даражасини акс эттиради. Таълим сифати ўқув адабиётла-

[2] Team Leverage Edu//What is Quality Education?// November 10, 2021// https://leverageedu.com/blog/quality-education

1-жадвал. PISA-2018 бўйича биринчи 10 та мамлакатлар рейтинги[1]

Т.р.	Ўқиш саводхонлиги	Математик саводхонлик	Табиий-илмий саводхонлик
1	ХХР	ХХР	ХХР
2	Сингапур	Сингапур	Сингапур
3	Макао	Макао	Макао
4	Гонконг	Гонконг	Эстония
5	Эстония	Тайван	Япония
6	Канада	Япония	Финляндия
7	Финляндия	Жанубий Корея	Жанубий Корея
8	Ирландия	Эстония	Канада
9	Жанубий Корея	Нидерландия	Гонконг
10	Польша	Польша	Тайвань

2-жадвал. TIMSS-2015 бўйича мамлакатлар рейтинги[2]

Т.р.	Математика бўйича 4-синф ўқувчилари-нинг натижалари	Математика бўйича 8-синф ўқувчиларининг натижалари	Табиий фанлар бўйича 4-синф ўқувчиларининг натижалари	Табиий фанлар бўйича 8-синф ўқувчиларининг натижалари
1	Сингапур	Сингапур	Сингапур	Сингапур
2	Гонконг	Жанубий Корея	Жанубий Корея	Япония
3	Жанубий Корея	Тайвань	Япония	Тайвань
4	Япония	Гонконг	Россия	Жанубий Корея
5	Тайвань	Япония	Гонконг	Словения
6	Шимолий Ирландия	Россия	Тайвань	Гонконг
7	Россия	Қозоғистон	Финляндия	Россия
8	Норвегия	Канада	Қозоғистон	Англия
9	Ирландия	Ирландия	Польша	Қозоғистон
10	Англия	АҚШ	АҚШ	Ирландия

рининг сифати ва стандартларга жавоб беришидан, ўқитувчининг билим ва тажрибасигача бўлган тизимни ўзида акс эттиради.

Ушбу бўйича Н.А. Заиченко «таълим хизматлари сифатининг аккумуляторлари" рўйхатига қуйидагиларни киритади:

- ресурслар сифати - кадрлар, китоблар, молия, капитал ресурслари, ўқув базаси, ахборот;
- муассасаларнинг сифати - расмий ва норасмий қоидалар – мактабдаги ўқув жараёни, обрўси, мақоми;
- ташқи муҳит сифати - ҳудуд, аҳоли, экология ;
- фаолият натижаси сифати: ягона давлат имтиҳони, аккредитация кўрсаткичлари, мактаб учун танловнинг мавжудлиги;
- ижтимоий капиталнинг сифати: ота-оналар ва болалар - мактаб контингентини ташкил этувчи оилалар сифати;
- хусусий инвесторларнинг мавжудлиги[3].
- Таълим жараёнини ташкил этиш кўрсаткичларига ўқув шароитлари, инсон салоҳияти (олий маълумотли ўқитувчиларнинг улуши, юқори тоифадаги ўқитувчиларнинг улуши, 30 ёшгача бўлган ўқитувчиларнинг улуши, нафақахўрларнинг улуши, профессор-ўқитувчилар таркиби, ўқув юкламалари бўйича ўқитувчиларнинг тақсимланиши, бошқарув маълумотига эга бўлган раҳбарларнинг улуши), соғлиқни сақлаш (1 ва 2-соғломлаштириш гуруҳлари талабалари улуши, 100 ўқувчига тўғри келадиган жароҳатлар сони, иссиқ овқат билан таъминланган талабалар улуши) , синфдан ташқари ишлар (спорт секцияларига жалб қилинган ўқувчилар улуши, ижодий жамоаларга жалб этилган ўқувчилар улуши) кабилар киради.

[1] Schleicher Andreas. PISA 2018: Insights and Interpretations (англ.). OECD (6 декабря 2019). Дата обращения: 15 января 2022.

[2] TIMSS-2015: Результаты учащихся 4-х классов, TIMSS-2015: Результаты учащихся 8-х классов// https://ru.wikipedia.org/wiki/TIMSS

[3] http://hdr.undp.org/

Таҳлил ва натижалар.

Таълим сифатини баҳолаш дастурларида юқори кўрсаткичларни кўрсатган мамлакатларда таълим сифатини бошқариш тизимини ўрганадиган бўлсак, ҳар бирида ўзига хос ёндашув ва тизим борлигини кўрамиз. Жумладан:

Сингапур.

Сингапур таълим тизимига келсак, кўпинча унга нисбатан «мўъжиза» атамаси қўлланилади. Дарҳақиқат, бор-йўғи 45 йил ичида бирорта ҳам халққа эга бўлмаган қашшоқ давлатда дунёдаги энг муваффақиятли таълим тизимларидан бирини яратиши ҳайратланарли. Сўнгги ўн йил ичида Сингапурлик мактаб ўқувчилари PIRLS, TIMSS, PISA халқаро тадқиқотлари бўйича биринчи ўринларни мустаҳкам эгаллаб келмоқда. Унинг бундай муваффақиятли тажрибаси қуйидагича асосланади.

Сингапур - Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё харитасида пайдо бўлган жуда ёш давлат. 1960-йилларга қадар Буюк Британиянинг кичик кўп миллатли мустамлакасида умумий таълим тизими мавжуд эмас эди. Ҳукумат инглиз мактабларини асосан мустамлакачилар болалари учун олиб борди, асосий этник гуруҳлар - хитойлар, ҳиндлар ва малайлар - инглиз тилини билмас ва олий таълим олиш имкониятига ҳам эга эмас эди. Мустақилликка эришгач, қашшоқлик ва ишсизликка қарамай, ҳукумат инсон капиталига сармоя киритишга қарор қилди. У «интеллектуал модернизация» ва ягона миллат шаклланишига урғу берди.

Биринчи босқичдаёқ янги мактаблар очилди, миллий дарсликлар ишлаб чиқилди ва жорий қилинди, техник таълим тизими яратилди. Шу билан бирга, ҳозирда Сингапур мактабининг муҳим афзаллиги сифатида қаралаётган икки тиллилик тизими жорий этилди. Она тили (асосан хитой тили) билан бир қаторда инглиз тилини ҳам ўрганиш жорий этилди. Натижада, ҳозирда барча сингапурликлар инглиз ва хитой тилларини яхши билишади, бу эса ўзларини Европа ва Осиё цивилизацияси ўртасида воситачи сифатида ҳис қилиш имконини беради.

Сингапур Таълим вазирлиги икки тиллиликдан ташқари, ўқувчининг ҳар томонлама ривожланишига эътибор қаратиш, ўқитиш сифатига ва ахборот-коммуникация технологияларини синфга киритишни ўз таълим тизимининг асосий кучли томонлари сифатида қайд этади.

Мутахассислар бир овоздан ўқитувчиларни танлаш ва тайёрлаш тизимини Сингапур муваффақиятининг энг муҳим сабаби сифатида қайд этишади. Шаҳар-давлат барча ўқитувчилар тайёрлашни битта университетда - Миллий таълим институтида тўплаган, унга кириш жуда қийин. Сингапур Таълим вазирлиги ўқитувчиларнинг ишлашга юқори мотивациясини таъминлашга, ўқитувчилик мартабасининг бошқалардан ажралиб турадиган ўзига хос имиджини яратишга катта эътибор беради.

Талабанинг ҳар томонлама ривожланиши нафақат фанларни ҳар томонлама ўқитишни, балки мусиқа, санъат ва спорт бўйича синфдан ташқари ишларни ҳам назарда тутади. Кўнгиллилик мактаб ҳаётининг ажралмас қисмидир. Ўқувчиларда тез ўзгарувчан дунёда ҳаёт учун зарур бўлган фазилатлар ижодкорлик, ишонч, раҳм-шафқат ва қатъиятлилик ривожланди[1].

Хитой Халқ Республикаси.

Ҳозирги босқичда Хитойнинг ўрта ва олий таълимни ислоҳ қилиш бўйича стратегик режаси 2002 йилда Хитой Коммунистик партиясининг 16-съездида тасдиқланган 2020 йилгача мамлакатда кичик фаровонлик жамиятини қуриш режалари орқали амалга оширилди. 2020 йилга келиб ушбу мезонлар қуйидаги истиқболларни назарда тутади: тўлиқ ўрта мактаб даражасида таълимни кенгайтириш; талабалар сонини 32 миллион кишига етказиш; мамлакат аҳолисининг 30% дан ортиғини таълим билан қамраб олиш. Шу билан бирга миллатнинг мафкуравий, ахлоқий, илмий-маданий хусусиятларини такомиллаштириш зарурати ҳам белгилаб берилди[2].

"Хитой Халқ Республикасининг 2010-2020 йилларга мўлжалланган таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастури"да ўз аксини топган 2020-йилгача бўлган даврга мўлжалланган Хитой давлат таълим сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

[1] Почему в Сингапуре лучшая в мире система образования? // https://orensau.ru/ru/obuchenie/pochjemu-v-singapurje-luchshaja-v-mirje-sistjema-obrazovanija

[2] Ли Сюй. Эволюция принципа справедливости и его реализация в государственной образовательной политике Китая: дис. ... канд. полит. наук: 23.00.02 / Ли Сюй. - М., 2015. - 188 с.

- самарали давлат таълим тизимини яратиш;
- таълим олишнинг тенг ва шаффофлигини таъминлаш;
- халқ таълимининг юқори сифатини таъминлаш;
- таълимдаги минтақавий фарқларни камайтириш;
- меҳнат мигрантларининг фарзандларининг таълим олишда тенг ҳуқуқлилиги тамойилини амалга ошириш;
- тегишли шарт-шароитларни таъминлаш ва ногиронлар учун қонуний таълим ҳуқуқини амалга ошириш муаммосини тўғри ҳал қилиш[1].

Таъкидлаш жоизки, Хитой Давлат олий ва ўрта таълим тизимида яқин келажакдаги муҳим вазифалар қаторида қуйидагилар белгиланган:

– қишлоқ аҳолисига мажбурий таълим тамойилини тўлиқ кенгайтириш;

– арзон ва сифатли касб-ҳунар таълимининг барқарор ривожланиши;

– олий таълим сифатини, биринчи навбатда, академиялар, университетлар ва олий ўқув юртлари ҳамда фундаментал ва амалий илмий билимларнинг энг муҳим йўналишлари ва тармоқлари мавқеини мустаҳкамлаш орқали тизимли равишда ошириш[2].

Хитойда мажбурий таълим биринчи босқичнинг бошланғич ва ўрта таълим босқичларини ўз ичига олган дастлабки тўққиз йиллик таълимни ўз ичига олади. Ўқув жараёнига кириб, олти ёшли болалар 6 йил давомида бошланғич таълим дастурини тугатадилар. Хитойда биринчи босқич ўрта таълим муддати 3 йил. Тўққиз йиллик мажбурий таълимни амалга ошириш мақсадида 1986-йилда "Хитой Халқ Республикасининг мажбурий таълим тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди, бу эса бир қанча эътиборга молик муваффақиятларга олиб келди. Шундай қилиб, ҳозирги кунга қадар Хитойнинг 1500 га яқин округида тўққиз йиллик мажбурий таълим жорий қилинган бўлиб, у мамлакат аҳолисининг 45-50 фоизини қамраб олади. Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари сонида ҳам ижобий ўсиш тенденцияси кузатилмоқда, бу 2000-йил бошидан буён 12% га ошди. Шу билан бирга, ўқувчилар сони ва ўрта таълим муассасалари сонининг қисқариши давом этмоқда[3].

Хитойда ўрта таълимнинг энг кескин муаммоларидан бири қишлоқ жойларида таълим инфратузилмасини яхшилаш доирасида уни ислоҳ қилишдир. Шу муносабат билан "Қишлоқ бошланғич ва ўрта таълим мактабларида замонавий масофавий таълим лойиҳаси" қабул қилиниб, Хитойнинг деярли барча провинция ҳудудларини қамраб олган масофавий таълим муассасалари тармоғи ташкил этилди. Ушбу бошқарув лойиҳасининг мақсади қишлоқ аҳолиси учун сифатли таълим хизматлари ва ресурсларидан фойдаланишни таъминлашдан иборат. 2001 йилда Хитой Халқ Республикаси Таълим вазирлиги бошланғич ва ўрта таълим муассасаларини ахборотлаштириш бошланганини эълон қилди. 2003 йил сентябрь ойида "Республиканинг марказий ва ғарбий ҳудудларидаги қишлоқ бошланғич ва ўрта мактабларини модернизация қилиш" режаси жорий этилди. Умуман олганда, ушбу инфратузилма муаммосини ҳал қилишда Хитой давлат-маъмурий элитасининг саъй-ҳаракатларини ижобий таъкидлаш керак. Хитойнинг норматив-ҳуқуқий ва эмпирик асосларини таҳлил қилиш яқин келажакда ушбу масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига умид қилиш имконини беради[4].

Хитойда ўрта таълимни ўқитишнинг мазмуни ва усулларини унинг етакчи жаҳон талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун ислоҳ қилиш 20-асрнинг 1980-йиллари ўрталарида бошланган.

Хитой таълим моделини янгилашнинг бошланғич нуқтаси "Таълим тузилмасини ислоҳ қилиш тўғрисида" ва "Хитойда мажбурий таълим тўғрисида"ги қонунлар билан бошланган.

Хитой таълим тизимининг мониторинг дастурларини жорий иерархик моделдан

[1] Новикова Л.А., Ушакова Л.К. Особенности среднего и высшего образования в Китае // ИСОМ. 2017. №5-1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-srednego-i-vysshego-obrazovaniya-v-kitae (дата обращения: 16.01.2022).

[2] Гулева М.А. Экономические проблемы современной системы образования в КНР: дис.канд. экон. наук: 08.00.14 / Гулева Мария Александровна. - М., 2015. - 172 с.

[3] Штурба В.А., Васильев С.С. Образование как социально- культурный феномен // Историческая и социально-образовательная мысль. - 2009. - № 1. - С. 6-18

[4] Су Цзюнъянъ, Сяо Су. Основные формы и тенденции развития системы инспектирования и оценки школ в Китае // Педагогика. - 2011. - № 1. - С. 94-103.

ривожланишни баҳолаш моделига такомиллаштириш муҳим масаладир[1]. Хитой Таълим вазирлиги томонидан Бошланғич таълим сифатини мониторинг қилиш бўйича ихтисослаштирилган марказ ташкил этилган. Воситачи идоралар ва жамоатчилик назорати ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш билан бир қаторда Хитойнинг Таълим сифатини мониторинг қилиш ва баҳолаш миллий қўмитаси ҳам фаолият олиб боради. Бу йўналишда қуйидаги салмоқли ишлар амалга оширилди:

- таълим сифати, талабалар оқими, ресурсларни тақсимлаш ва битирувчилар бандлигини мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш тизимини оптималлаштириш;
- таълим бўйича миллий ва минтақавий маълумотлар базаларини яратиш (Хитойнинг электрон таълим ресурсларининг миллий маълумотлар базаси барча турдаги ва даражадаги таълим муассасалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади).

Гонконг.

Ўзининг асосий параметрлари бўйича Гонконг таълим тизими Британия таълим жараёнининг нусхаси ҳисобланади. Бу 150 йилдан ортиқ вақт давомида Гонконг Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлганлиги ва метрополиянинг таъсири нафақат бу ерда инглиз тилини оммалаштиришда, балки уни ўтказиш шакли ва усулларида ҳам намоён бўлганлиги билан изоҳланади. Шубҳасиз, ҳудуднинг 10 йилдан ортиқ Хитой юрисдикцияси остида бўлиши маҳаллий таълим тизимининг айрим жиҳатларига ўзига хос тузатишлар киритди ва бу жараён давом этмоқда, аммо унинг умумий шакли ва характери ўзгаришсиз қолмоқда. Гонконгдаги таълим дунёдаги энг яхшиларидан бири ҳисобланади, аммо бундай юқори даражага эришиш осон эмас. Маҳаллий болалар боғчалари ва мактабларида рақобат ва мукаммалликка интилиш руҳи ҳукм суради. Энг нуфузли университетлар ва энг жозибали компаниялардаги ўринлар фақат мактаб ёки синфнинг таълим рейтингида юқори ўринларни эгаллаган талабаларга тегишли бўлиши мумкин. Бир марта аҳмоқона ёмон баҳо олиш омадсиз талаба учун жуда катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳисоб-китобларга кўра, Гонконг биринчи синф ўқувчилари ҳар куни 3-4 соат уй вазифасини бажаришлари керак ва йилдан-йилга ўқув юки ортиб боради.

Ҳудуддаги ўрта мактаб ўқувчиларининг деярли ярми мактабдан ташқари репетиторлик курсларида ҳам қатнашади ёки Интернет орқали интерактив тарзда ўқийди. Гонконг таълим тизимини баҳолаш жараёнида ўқувчиларнинг асосий билимни мактабда эмас, репетиторлик курсларида олиши мумкинлиги кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди. Мамлакатда бундай ҳолнинг юзага келиши меҳнат бозоридаги рақобатнинг катталиги ва хорижий етакчи олий таълим муассасаларида ўқишни истаётганлар сонининг ортиб бориши билан ҳам изоҳланди.

Финляндия.

Финляндия, шубҳасиз, ўқиш учун энг яхши мамлакатлардан бири. Мамлакат таълим тизимининг юқорилигини кўрсатувчи айрим далиллар:

– Финляндия дунёдаги саводхонлик даражаси юқори 8-давлатдир;

– мамлакатлар бўйича таълим рейтингида Финляндия 2021-йилда 3-ўринда жами 1.631К баллга эга;

– Финляндия ўрта мактабни тугатиш даражаси бўйича энг юқори ўринга эга;

– Жаҳон Иқтисодий Форумининг Глобал рақобатбардош тадқиқоти Финляндияни дунёдаги энг ривожланган таълимга эга мамлакат деб топди.

Энди Финляндия таълим тизими ҳар доим ҳам шундай бўлмаган. Агар ўтмишга қайтадиган бўлсак, бу деярли 50 йил олдин Финляндия ҳукумати таълим тизимини ўрганиб чиқди ва ҳеч бир давлатда қўлланилмаган ислоҳотларни амалга оширди. Ўшанда бошланғич таълимнинг асосий босқичидан олий таълим даражасигача бўлган бутун тузилма қайта ишлаб чиқилди, у талабаларни босқичма-босқич ҳаётий кўникмалар билан тарбиялаш шиори билан қайта яратилди.

Финляндия дунёдаги энг яхши таълим тизимига эга эканлигининг 10 та асосий сабаби[2]:

Финляндия фуқаролари, шунингдек, Европа Иттифоқи давлатларидан келганлар учун бепул таълим олиш имконияти (бошланғичдан олий

[1] https://leverageedu.com/blog/finland-education-system/

[2] https://bigthink.com/the-present/finland-education-system-criticisms/

таълимгача), чунки таълим ҳамма учун тенг ҳуқуқ ҳисобланади.

Мукаммалликка нисбатан тенгликни таъкидлашни мақсад қилган яхлит таълим ва ўқув муҳитини жорий этиш.

Стандартлаштирилган тест тизими йўқ, чунки талабалар ўқитувчи томонидан яратилган баҳолаш тизими билан индивидуал баҳоланади. Шунингдек, умумий тараққиёт Таълим вазирлиги томонидан турли хил мактабларнинг намунавий гуруҳлари томонидан харитада тузилади.

Финляндиялик болалар ўзларининг академик саёҳатларини каттароқ ёшда бошлайдилар, яъни фақат етти ёшга тўлганларида улар мактабда ўқишни бошлайдилар ва ундан олдин ўрганиш эркин бўлади.

«Ўқитувчилар учун юқори талаблар», яъни фақат магистр даражасига эга бўлганлар (ихтисослаштирилган педагогик мактаблардан) ўқитувчилик лавозимларини танлашлари мумкин ва ҳаттоки ҳар бир ўқитувчига уларнинг ютуқларини кузатиб бориш учун индивидуал директор ажратилади.

Академик таълим муассасалари ўртасидаги ҳар қандай рақобатни, балки ҳамкорликни олиб ташлаш орқали Академик тараққиётнинг сунъий параметрларидан озод қилиш одатий ҳолга айланди.

Коллежда таълим олишни режалаштираётганлар унинг альтернативаси бўлган касбий таълим мактаблари, университет таълими ёки ўқув машғулотлари бўладими, профессионал вариантлардан бирини танлаши мумкин.

Ўқувчиларда жамоавий ишлаш, ҳамкорлик ва жамоавий руҳ кўникмаларини сингдириш орқали мактабларда рақобатдан кўра ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

Муҳим асосларга эътибор Финляндия дунёдаги энг яхши таълим тизимига эга эканлигининг муҳим сабабидир, чунки ўқувчиларга энг яхши пойдевор ва асосларни ўз тезлигида қуриш учун вақт ҳамда имкониятлар тақдим этилади.

Финляндия таълим тизимида бор-йўғи 9 йиллик мажбурий таълим мавжуд ва шундан сўнг талабалар академик ва мартаба нуқтаи назаридан улар учун энг яхшисини топишга ундайди. 2000-йилда Халқаро ўқувчиларни баҳолаш дастури (PISA) таълим даражаси бўйича ўзининг биринчи сўрови натижаларини эълон қилди. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти томонидан бошқариладиган уч йилда бир марта ўтказиладиган баҳолаш бутун дунё бўйлаб 15 ёшли ўсмирларнинг кўникма ва билимларини синовдан ўтказди.

Ўша йили Финляндия математика ҳамда табиий фанлар бўйича юқори балл ва ўқиш бўйича биринчи ўринни эгаллаган ҳолда энг яхши натижага эришди. Кейинги йилларда вазият ўзгариб кетди ва Финляндиянинг рейтинги пасая бошлади. 2006 ва 2012 йиллар оралиғида унинг фан, ўқиш ва математика бўйича баллари кескин пасайган: мос равишда 18, 23 ва 29 балл. PISA 2015 кўрсаткичлари яна пасайди; шу билан бирга, бошқа энг яхши кўрсаткичлар нисбатан барқарор бўлиб қолди.

Финляндиянинг метеорик кўтарилиши, албатта, бирон бир сабабга эга эди. Кўпчилик буни мактаб автономияси ва ўқувчилар бошчилигидаги таълимга бағишланган ислоҳотлар деб, баҳолади[1]. Шуни таъкидлаш лозимки, мактаб ўқитувчиларининг ҳафталик иш соати ўртача 19 соат бўлиб, улар ойига 3900 евро ва ундан кўпроқни ташкил этади. Дунёда ўқитувчиларнинг энг йирик маош олувчи рейтинг бўйича Финляндия 10-ўринни эгаллайди[2].

Бозор ислоҳотини ўрганиш бўйича таълим марказининг тадқиқот директори Габриел Хеллер Шалгреннинг фикрича, бу фикрда аниқ далиллар йўқ. Унинг сўзларига кўра, Финляндиянинг дастлабки муваффақиятлари юқоридаги сиёсатлар илдиз отишидан анча олдин, 1970 ва 1980-йилларда жорий этилган таълим стандартлари натижасида юзага келган[3].

Тайвань.

Тайваньдаги таълим тизими Таълим вазирлиги томонидан назорат қилинади ва бошқарилади. Тизим дунёда энг юқори тест балларига эга бўлган ўқувчилар тайёрланади[4]. Собиқ президент Ма Йинг-Жоу 2011 йил январь ойида ҳукумат 2014 йилгача ўн икки йиллик

[1] Зарплаты учителей в разных странах мира // Электронный ресурс. https://visasam.ru/emigration/rabota/zarplata-uchiteley-v-mire.html Дата обращения: 03.01.2022

[2] https://visasam.ru/emigration/rabota/zarplata-uchiteley-v-mire.html

[3] Система образования Финляндии терпит неудачу. Стоит ли нам смотреть в Азию?// https://ru.gov-civ-guarda.pt/finland-s-education-system-is-failing

[4] TIMSS Math 2003, TIMSS Science 2003//https://isc.bc.edu/PDF/t03_download/T03_M_Chap1.pdf

мажбурий таълим дастурини босқичма-босқич амалга ошириш бошланишини эълон қилди[1].

2015-йилда тайванлик талабалар 15 ёшли мактаб ўқувчиларининг ўқув фаолиятини бутун дунё бўйлаб Халқаро талабаларни баҳолаш дастури (PISA) томонидан синовдан ўтказилганидек, математика, табиатшунослик ва саводхонлик бўйича дунёдаги энг яхши натижалардан бирига эришди. Тайвань ўқиш саводхонлиги, математика ва фанлар бўйича ОЭСД(OECD ёки ИҲТТ)нинг ўртача балли 523,7 баллга эга бўлган мамлакатлардан бири бўлиб, дунёдаги энг юқори маълумотли ишчи кучига эга[2]. Амалдаги қонун фақат тўққиз йиллик таълимни белгилаган бўлса-да, ўрта мактаб ўқувчиларининг 95 фоизи юқори касб-ҳунар мактаби, савдо мактаби, кичик коллеж ёки университетда ўқишни давом эттиради[3].

Тайваньда Конфуцийнинг таълим парадигмасига амал қилиб, ота-оналар яхши таълим олиш устувор вазифа ва уларнинг фарзандлари ҳаётидаги муҳим мақсад деб ҳисоблайдилар[4]. Кўпгина ота-оналар ўз фарзандларидан умидвор бўлишади, ўқув ютуқлари билан фахрланишади ва фарзандларини университетда ўқитиш учун қарз олиш каби катта қурбонликларга ҳам боришади.

Юқори тест натижалари ва олий ўқув юртларига кириш даражаси туфайли Тайваньнинг таълим тизими иқтисодий ривожланиш даражага таъсир кўрсатди. 25 ёшдан 64 ёшгача бўлган тайванликларнинг 45 фоизи бакалавр ёки ундан юқори даражага эга. Аммо, таълим тизими эслаб қолишга ҳаддан ташқари эътибор бергани ва ўқувчиларга ҳаддан ташқари академик босим ўтказгани учун танқид қилинган. Нуфузли иш ўринларининг тор диапазони ва уларни қидираётган университет битирувчилари сонининг кўплиги туфайли ёш кадрларнинг аксарияти ўзлари кутган маошлардан анча пастроғида ишлашга мажбур бўлмоқда.

Тайвань ҳукумати кўплаб ишсиз университет битирувчилари талабларини қўллаб-қувватлаш учун етарли иш ўринларини ярата олмагани сабабли иқтисодга путур етказаётгани учун танқид қилинди.

Хулоса ва таклифлар.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, Сингапур, Хитой, Тайвань ва Гонконг Финляндияни енгиб ўтиб, айниқса, математика ва табиий фанлар дунёдаги етакчиларга айланди. Айтиб ўтиш керакки, Финляндияда ўқитувчилар таълим сифатини оширувчи асосий омил сифатида қаралиб, уларнинг билим ва тажрибасига юқори талаб қўйилиши билан бирга, давлат томонидан қадрланади ва уларга талабга лойиқ ҳолда яхши маош тўланади. Аммо таълим тизими бўйича Европа мамлакатлари Осиё мамлакатларидан ўрнак олиши керак бўлган жиҳатлар мавжуд:

Осиёдаги талабалар таълимни эрта бошлашади ва улар кўпроқ ўз устида ишлайди. Уларда таълим 6 ёшдан бошланади. Оддий қилиб айтганда, талабалар кўникма ва билимларни ривожлантиришга қанчалик кўп вақт ажратса, улар иккаласини ҳам шунчалик кўп ўзлаштирадилар.

Финляндиянинг таълим тизими ўқувчиинг истеъдоди ва маҳоратига мос равишда мослашади; Шарқий Осиё мамлакатларида ўқувчилардан универсал стандартга жавоб бериш учун ишлаши талаб қилинади.

Шарқий Осиё тизимлари рақобатбардошликни рағбатлантиради ва таълим стратегияларини мукаммалликка йўналтиради. Финляндия маданиятида бундай очиқ рақобат ижтимоий жиҳатдан камроқ қабул қилинади. Финляндия таълим тизими меҳнат жамоасида ҳам, ўқувчилар орасида ҳамкорликда бир жамоа бўлиб ишлашни рағбатлантиради.

Финляндия ўрганишни қизиқарли ва ижодий қилишга интилади, аммо билимларнинг талабалар ёдида қолишига катта аҳамият берилмайди. Хитой ва Тайваньда эса билимларни ёд олишга алоҳида аҳамият берилади.

Аммо ХХР таълим тизимини бошқа мамлакатлар билан солиштирганда кўпроқ камчиликлари намоён бўлади. Жумладан, мамлакатнинг чекка ҳудудларида яшовчи аҳолининг таълим тизимига тўлиқ жалб этилмаган-

[1] Talk of the day -- Taiwan's education to enter new era». Focus Taiwan News Channel. 2011-01-02. Retrieved 2011-01-02.

[2] «Chinese Taipei Student performance (PISA 2015)». OECD. Retrieved 19 August 2019.

[3] Sechiyama, Kaku (2013). Patriarchy in East Asia: A Comparative Sociology of Gender. Brill Publishers. p. 254. ISBN 978-9004230606.

[4] Prudence Chou, Chuing (2014). «Dragon Gate: Competitive Examinations and Their Consequences». OpenEdition.

лиги, таълим сифатини бошқариш тизимининг тўлақонли шаклланмаганлиги. Гонконг ва Тайвань континентал Хитойнинг бир қисми бўлса-да, улар ҳақида аксинча фикр билдириш мумкин. Ушбу ҳудудларнинг Европа ва Япония билан иқтисодий алоқаларининг ривожланганлиги, уларда таълим тизимининг рақобатбардош бўлишида муҳим аҳамият касб этди. Шу сабабдан ҳам, сифатли таълим тизими ривожланди.

Сингапур ва Финляндия таълим тизими бир-бирига ўхшаш бўлиб, ҳар иккаласида ҳам ўқитувчиларни тайёрлашга алоҳида аҳамият беришади. Ўқитувчиларни тайёрлайдиган университетлар кириш баллари юқори бўлган университетлар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. http://hdr.undp.org/
2. Schleicher Andreas. PISA 2018: Insights and Interpretations (англ.). OECD (6 декабря 2019). Дата обращения: 15 января 2022.
3. TIMSS-2015: Результаты учащихся 4-х классов, TIMSS-2015: Результаты учащихся 8-х классов// https://ru.wikipedia.org/wiki/TIMSS
4. Team Leverage Edu//What is Quality Education?// November 10, 2021// https://leverageedu.com/blog/quality-education
5. Почему в Сингапуре лучшая в мире система образования? // https://orensau.ru/ru/obuchenie/pochjemu-v-singapurje-luchshaja-v-mirje-sistjema-obrazovanija
6. Ли Сюй. Эволюция принципа справедливости и его реализация в государственной образовательной политике Китая: дис. ... канд. полит. наук: 23.00.02 / Ли Сюй. - М., 2015. - 188 с.
7. Новикова Л.А., Ушакова Л.К. Особенности среднего и высшего образования в Китае // ИСОМ. 2017. №5-1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-srednego-i-vysshego-obrazovaniya-v-kitae (дата обращения: 16.01.2022).
8. Гулева М.А. Экономические проблемы современной системы образования в КНР: дис.канд. экон. наук: 08.00.14 / Гулева Мария Александровна. - М., 2015. - 172 с.
9. Штурба В.А., Васильев С.С. Образование как социально- культурный феномен // Историческая и социально-образовательная мысль. - 2009. - № 1. - С. 6-18.
10. Су Цзюнъянъ, Сяо Су. Основные формы и тенденции развития системы инспектирования и оценки школ в Китае // Педагогика. - 2011. - № 1. - С. 94-103.
11. https://leverageedu.com/blog/finland-education-system/
12. https://bigthink.com/the-present/finland-education-system-criticisms/
13. Зарплаты учителей в разных странах мира//03.01.2022
14. Источник: https://visasam.ru/emigration/rabota/zarplata-uchiteley-v-mire.html
15. Система образования Финляндии терпит неудачу. Стоит ли нам смотреть в Азию?// https://ru.gov-civ-guarda.pt/finland-s-education-system-is-failing
16. TIMSS Math 2003, TIMSS Science 2003//https://isc.bc.edu/PDF/t03_download/T03_M_Chap1.pdf
17. Talk of the day -- Taiwan's education to enter new era». Focus Taiwan News Channel. 2011-01-02. Retrieved 2011-01-02.
18. «Chinese Taipei Student performance (PISA 2015)». OECD. Retrieved 19 August 2019.
19. Sechiyama, Kaku (2013). Patriarchy in East Asia: A Comparative Sociology of Gender. Brill Publishers. p. 254. ISBN 978-9004230606.
20. Prudence Chou, Chuing (2014). «Dragon Gate: Competitive Examinations and Their Consequences». OpenEdition.